

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

ҲУКМ

2022 йил июнь ойининг 27 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, судья С.Хожамкулованинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Розимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Миробод туман прокурорининг катта ёрдамчиси ***, судланувчи *** ва унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи “LAWER UMAR” адвокатлик бюроси адвокати ***, судланувчи *** ва унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи “Mirobod Advokatlari” адвокатлар ҳайъати адвокати Н.Холбековаларнинг иштирокида, *** нисбатан 1-1004-2208/398-сонли жиноят иши юзасидан жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш хужжатларига кўра: *** 2000 йил

21 май куни Фарғона вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, “TUKSON BEST” МЧЖ норасмий раҳбари, муқаддам судланган: 1) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 25.03.2020 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 16.06.2021 йилдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 10 ой 20 кун жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган; 2) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 13.07.2021 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 60-моддаси тартибида 2 йил 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 24.12.2021 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 48¹-моддасига асосан ўталмаган 2 йил 2 ой 24 кун жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиб, қидирув эълон қилинган, 14.01.2022 йилда ушланиб, жазони ўташ учун юборилган; 3) жиноят ишлари бўйича Риштон туман судининг 30.03.2022 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш



жазоси тайинланган; 4) жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 29.04.2022 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 60-моддаси тартибида 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ҳозирда жазони ўтаётган, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, 12-Ноиб кўприги, Шохидон кўчаси, 17-уйда яшовчи, ишлар бўйича 02.03.2022 йилда, 27.04.2022 йилда “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 14.01.2022 йилдан бошлаб қамокда сақланаётган, айблов хулосалари нусхаларини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми, 184-моддаси 3-қисми, 227-моддаси 2-қисми “а” банди, 189-моддаси 1-қисми ва 184-моддаси 3-қисми билан айбланган,

*** 1996 йил 25 январь куни Фарғона вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта махсус, бўйдоқ, “TUKSON BEST” МЧЖ раҳбари, муқаддам судланган: 1) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 11.06.2019 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 15.04.2021 йилдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 2 ой 29 кун жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 30.08.2021 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмаган 10 ой 13 кун жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 14.12.2021 йилдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмаган 10 ой 13 кун жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган; 2) жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг 21.01.2022 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон



Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони манзил-колониясида ўтатириш белгиланган, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 20.05.2022 йилдаги ажрими билан ўталмай қолган 6 ой 24 кун озодликдан маҳрум қилиши жазо муддати, иш ҳақининг 10 % давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Ибн-Сино кўчаси 22-уйда яшовчи, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси танланган, иш бўйича 2022 йил 23 апрелдан 25 апрелга қадар ҳибсда сақланган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми ва 184-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

*** 17.09.2021 йилда аниқлашни имкони бўлмаган номаълум шахслар билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани “Ягона дарча” марказидан 1039479-реестр рақами билан рўйхатдан ўтган, ҳуқуқий манзили Миробод тумани, Нукус кўчаси, 37-уй, 41-хонадон бўлган “Big Father 001” МЧЖни ташкил қилиб, ушбу жамиятга ўзи ягона таъсисчи сифатида раҳбарлик қилиб, 2021 йилнинг 19 октябрдан 2022 йил 28 январга қадар фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли Қарори билан тасдиқланган “Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 10-бандига риоя қилмай, шунингдек, жамиятнинг турғун савдо дўкони ёки шаҳобчалари, назорат касса машинаси ва тўлов терминаллари бўлмаса-да, “Big Father 001” МЧЖ орқали улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишлари ниқоби остида, “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Миробод филиалида ҳамда “Капитал Банк”да очилган ҳисоб-рақамлардан фойдаланиб, хусусан “Ter 1000 Ator” МЧЖдан 13.10.2021 йилда тузилган 5-сонли шартномага асосан металл маҳсулотлари учун 300 минг сўм, “AZ DECOROUS” ХКдан 18.10.2021 йилда тузилган 124-сонли шартномага асосан “Минерал ўғитлар ва озуқа маҳсулотлари” олиш учун ўтказилган 65 млн. сўм, “BIG SUN” МЧЖдан 20.10.2021 йилда тузилган 59-сонли шартномага асосан “трикотаж полотно” хом ашё маҳсулотлари сотиб олиш учун 600 млн сўм, “РУЗМАТОВ БАХРОМ ЮНУСОВИЧ”дан



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жой қурилиш ва реконструкцияга ПФ 6186-сонли Қарорига асосан ипотека кредити ажратиш тўғрисида 2021 йил 18 октябрь кунги 652-сонли ипотека 107 млн. 200 минг сўм, “БАХРОНОВ АЗИЗ БЕГМУРАДОВИЧ”дан 19.10.2021 йилда тузилган 14-сонли шартномага асосан Бахронов Азизга тикув машинкалари ва хом ашёси сотиб олиш учун 30 млн. сўм, “ХЎЖАОБОД ФУРНИТУРА” МЧЖдан 19.10.2021 йилда тузилган 39-сонли шартномага асосан тикув иплари ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ускуналар сотиб олиш учун 900 млн. сўм, “ТККИ DO’ST TEXTILLE” МЧЖдан 12.10.2021 йилда тузилган 44-сонли шартномага асосан трикотаж тикув дастгоҳлари сотиб олиш учун 300 млн. сўм, “ҲИМОЯТХОН СУРАЙЁХОН” ХКдан 19.10.2021 йилда тузилган 5-сонли шартномага асосан таъмирлаш ишлари учун зарур хом-ашёлар ҳамда қурилиш моллари сотиб олиш учун 350 млн. сўм, “АБДУЛАЗИЗ МЕГА СОМПЛЕХ” МЧЖдан 14.10.2021 йилда тузилган 117-сонли шартномага асосан Умид кўчасида жойлашган қурилиш обектига сантехника маҳсулотлари сотиб олиш учун 500 млн. сўм, “GREAT LEADIORS” МЧЖдан 20.10.2021 йилда тузилган 20/10-сонли шартномага асосан темир қувурлар сотиб олиш учун, ҚҚС билан ҳисобланганда 71 млн. сўм, “Oib Olmazor” МЧЖдан 20.10.2021 йилда тузилган 43-7-сонли шартномага асосан харид қилинадиган қурилиш материаллари учун 300 млн. сўм, “Global Service Mineral Agro” МЧЖдан 19.10.2021 йилда тузилган 32-сонли шартномага асосан минерал ўғитлар харид қилиш учун 799 млн. 500 минг сўм, хусусий тижорат ишлаб чиқариш фирмаси ҳисобланган “ТТВ” билан 21.10.2021 йилда тузилган 82-сонли шартномага асосан фотокамералар, флеш хотира ва батареялар харид қилиш учун 73 млн. 830 минг сўм, “ADMIRAL SERVIS LUKS” МЧЖдан 19.10.2021 йилда тузилган 12-сонли шартномага асосан кабель маҳсулот-лари, қузатув камералари ва қўшимча ускуналар харид қилиш учун 115 млн. сўм, “Андижон Энерго Таъмирлаш” МЧЖдан 20.10.2021 йилда тузилган шартномага асосан металл маҳсулотлари харид қилиш учун 29 млн. сўм, “Қўқон йул таъмирлаш” МЧЖдан 20.10.2021 йилда тузилган 30-сонли шартномага асосан қурилиш моллари харид қилиш учун 48 млн. 300 минг сўм, “Express ideal trade” МЧЖдан 18.10.2021 йилда тузилган 25-сонли шартномага асосан чиқинди қоғоз маҳсулотлари, “Нива-Шевролет” русумли автомобил эҳтиёт қисмлари, шахсий компютер, ***нинг ўзи фойдаланиши учун изоляция маҳсулотлари, тўқилмаган мато, Видеоэндоскопик система комплекти (Видеколоноскоп) ва Диод лазер системаси учун жами 517 млн. 11 минг 204 сўм, “Prespektiv stroy” ХКдан 14.10.2021 йилда тузилган 27-сонли шартномага асосан қурилиш моллари, эҳтиёт қисмлар, модем ва ассортиментдаги товарлар, ҳисоблагич таъмири хизмати учун жами 336 млн. 219 минг сўм, ЯТТ “Нуриддин Исомиддин Шамсиддин ўғли” билан тузилган 101/2-сонли шартномага асосан маъмурий баённома бланкалари учун 193 млн. сўм, “Бридж Роад Энгинеринг” МЧЖдан 2021 йил октябрь ойида тузилган шартномага асосан қурилиш маҳсулотлари харид қилиш учун 75 млн. сўм, “Performansu sar” МЧЖдан 20.10.2021 йилда тузилган 230-сонли шартномага асосан ассортиментли товарлар харид қилиш учун 9 млн. сўм, “Agro antalya kimyo” МЧЖдан 19.10.2021 йилда тузилган 56-сонли шартномага асосан центрифуга ва



совутиш қозони харид қилиш учун ҚҚС билан ҳисобланганда 32 млн 100 минг сўм, Ўз.Респ. Ғазначилик Вазирлигининг Денов ХТБдан 2021 йил сентябрь ойи иш ҳақидан ходимларнинг аризасига асосан обуна учун 60 млн. 200 минг сўм, Наманган уй жойдан фойдаланишдан 18.10.2021 йилда тузилган 14/1А-сонли шартномага асосан ва 19.10.2021 йилда тузилган 3-сонли х/вга асосан сотиб олинган қурилиш материаллари учун 70% т. х/к 42521 125 млн. 553 минг 826 сўм, жами 5 млрд. 636 млн. 914 минг 30 сўм миқдордаги пул маблағлари келиб тушган.

“Big Father 001” МЧЖ раҳбари *** ва унинг жинойтдаги шериклари томондан 19.10.2021 йилдан 28.01.2022 йилгача бўлган даврда юқоридаги хўжалик юритувчи субъектлардан келиб тушган пул маблағларини, қуйидаги хўжалик юритувчи субъектларга пул маблағлари чиқим қилинган, хусусан, “Oil magnat” МЧЖга 19.10.2021 йилда тузилган 201/77-сонли шартномага асосан ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари учун 499 млн. сўм, “Vodiy hilol oil” МЧЖга 20.10.2021 йилда тузилган 6-сонли шартномага асосан ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари учун 194 млн. сўм, “Big Father 001” МЧЖга 15.03.2021 йилда Картотека-2нинг ёпилиши учун қолдиқларни ўтказиб берилиши учун 957 минг 510 сўм, “Leather Chemicals” МЧЖга 19.10.2021 йилда тузилган 07/21-сонли шартномага асосан химикатлар учун 189 млн. сўм, “Sinochem Plastics Group” МЧЖга 19.10.2021 йилда тузилган 36-сонли шартномага асосан ассортиментдаги мой филтёрлари учун 400 млн. сўм, “Sugar Kristal Business” МЧЖга 18.10.2021 йилда тузилган 17/21-сонли шартномага асосан шакар учун 1 млрд. сўм, “WORLD OF HYGIENE” МЧЖга 18.10.2021 йилда тузилган 20-сонли шартномага асосан аёллар гигиеник маҳсулотлари учун 110 млн. сўм, “Universal Golden Wing” МЧЖга 14.10.2021 йилда тузилган 335-сонли шартномага асосан тирик товуқ сотиб олиш учун 250 млн. сўм, “Mechta Hozyauki” МЧЖга 18.10.2021 йилда тузилган 145-сонли шартномага асосан озиқ-овқат маҳсулотлари учун 1 млрд. 289 млн. 450 минг сўм, “OO YoL FARM PLUS” МЧЖга 18.10.2021 йилда тузилган 7-сонли шартномага асосан антифриз маҳсулоти учун 250 млн. сўм, “Accurate trade” МЧЖга 18.10.2021 йилда тузилган 132-сонли шартномага асосан автошина маҳсулоти учун ва 18.10.2021 йилда тузилган 266-сонли шартномага асосан салқин ичимликлар учун 534 млн. 500 минг сўм, Молия Вазирлиги Ягона Ғазна ҳисоб-варағи 200637640~3а божхона расмийлаштируви учун 917 млн. сўм ва бошқа харажатларга 20 минг сўм, жами 5 млрд. 636 млн. 914 минг 30 сўм миқдоридаги пул маблағлари чиқим қилинган.

“Big Father 001” МЧЖ раҳбари *** ва унинг жинойтдаги шериклари юқорида санаб ўтилган жуда кўп миқдорни ташкил қилган харидоргир товарларни номаълум харидорларга нақд пулга сотиб юборишиб, харидорларга савдо чиптаси ёки уларга тенглиштирилган тўлов қвитанциялари расмийлаштириб берилмасдан, жами 5 млрд. 636 млн. 914 минг 30 сўмлик жуда кўп миқдордаги тушум пулларни ўрнатилган тартибда жамиятнинг банкдаги ҳисоб рақамига инкассация қилмасдан, “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари”нинг 6, 21, 22, 23 ва 189-бандлари талабларини бузишган.

Бундан ташқари, бир қатор хўжалик юритувчи субъектлардан аслида “Big Father 001” МЧЖнинг балансига кирим қилинмаган турли хил



харидоргир махсулотлар учун жамиятнинг ҳисоб рақамига келиб тушган умумий ҳисобда 5 млрд. 636 млн. 914 минг 30 сўм жуда кўп миқдордаги пул маблағларини, бошқа бир қатор хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамларига умуман бошқа турдаги харидоргир товарлар учун жами 5 млрд. 636 млн. 914 минг 30 сўм миқдордаги пул маблағларининг хариди учун чиқим қилиб, нақдсиз пул маблағларини нақдлаштириш билан шуғулланган.

Бундан ташқари, мазкур жинойт иши юзасидан “Big Father 001” МЧЖнинг молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган ҳужжатли тафтиш натижасида, жамиятнинг раҳбари *** ва унинг номаълум жиноий шериклари, олдиндан тил бириктирган ҳолда юқорида баён этилган қонунга ҳилоф равишда тадбиркорлик фаолиятларини амалга ошириб, 2021 йил давомида жами 582 млн. 515 минг 233,4 сўм қўшимча қиймат солиғи ва 209 млн. 584 минг 343 сўм фойда солиғи, жами 792 млн. 99 минг 576,4 сўм жуда кўп миқдордаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаган.

Бундан ташқари, *** “TUKSON BEST” МЧЖнинг 2021 йил 17 сентябрдан расмий раҳбари ҳисобланган *** билан жиноий тил бириктириб, ғаразғўйлик, бошқа паст ниятларини ва шахсий манфаатларини кўзлаб, жамиятнинг расмий раҳбари ***нинг жинойт содир қилиш йўлига ундаб, ундан ўзининг жиноий мақсадларида фойдаланиб, ***ни номига жамиятнинг раҳбари сифатида кўрсатиб, давлат томонидан белгиланган солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш мақсадини кўзлаб, жамият ҳисобига сотиб олинган товар моддий бойликларни нақд пулга сотиб, ноқонуний бойлик орттириш мақсадида “TUKSON BEST” МЧЖнинг 2021 йил сентябрь ойидан октябрь ойига қадар АТ “Капиталбанк” Тошкент шаҳар Амалиёт бошқармаси, “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Миробод филиалида очилган банк ҳисоб рақамлари орқали хизмат кўрсатиш ва товарлар учун жами 3.143.436.449 сўм миқдоридagi пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига келиб тушмаган ва реализация қилинмаган деб кўрсатиб, ўз ҳисоботларида аниқ ҳолатни акс эттирмасдан, ушбу пул маблағларини нақдлаштириш йўли билан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.08.1996 йилдаги “Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1504-сонли Фармонининг 3-бандида савдо корхоналари, аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар тушган нақд маблағларни ҳар куни банк муассасаларига топширишлари шартлиги, ушбу талабни бузиш тушумни яшириш деб баҳолаб, амалдаги қонунларга мувофиқ жазо чоралари қўлланилиши, 22.06.2001 йилдаги “Нақд пул эмиссиясини қисқартириш ва тижорат банкларининг жавобгарлигини мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 264-сонли қарорининг 3-банди, 3-банди 4-хатбоши, Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли қарорининг 8-банди, 17.11.2011 йилдаги “Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналари-нинг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 306-сонли қарори билан тасдиқланган “Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда



фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2-банди ва 37-банди талабларига зид равишда, ушбу даврларда “TUKSON BEST” МЧЖнинг ҳисобига кирим қилинмаган 3.143.436.449 сўмлик турли маҳсулотларни нақд пулга сотиб юбориб, савдо тушумини банк муассасасига топширмасдан, тўланиши лозим бўлган солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдорда бузган.

Бундан ташқари, *** “TUKSON BEST” МЧЖнинг 2021 йил 17 сентябрдан жамиятнинг расмий раҳбари ҳисобланган *** билан жиноий тил бириктириб, ғаразгўйлик, бошқа паст ниятларини ва шахсий манфаатларини кўзлаб, жамиятнинг расмий раҳбари ***нинг жиноят содир қилиш йўлига ундаб, ундан ўзининг жиноий мақсадларида фойдаланиб келиб, ***ни жамиятнинг номигагина раҳбари сифатида кўрсатиб ўтиб, давлат томонидан белгиланган солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш мақсадини кўзлаб, жамият ҳисобига сотиб олинган товар моддий бойликларни нақд пулга сотиб, ноқонуний бойлик орттириш мақсадида, давлат томонидан белгиланган солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш мақсадини кўзлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.08.1996 йилдаги “Бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1504-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 114-моддасида “Товарларни реализация қилишдан тушган тушумнинг яширилган суммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш амалга оширилиши, товарларни реализация қилишдан тушган тушумни яшириш деб товарлар реализация қилинганлиги факти тўғрисида далолат берувчи ҳужжатлар алмаштирилганлиги, сохталаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги; ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги” деб белгилаб қўйилган бўлса-да, мазкур қонун талабларига зид равишда солиқларни қасддан тўламаслик мақсадида, “TUKSON BEST” МЧЖнинг балансига 2021 йил сентябрь ойдан октябрь ойига қадар бўлган давр мобайнида жами 3.143.436.449 сўмлик товар моддий бойликлар олинганлигини ва ушбу товарларни реализация қилганлигини била туриб, мазкур жамиятлар томонидан туман ДСИга 2021 йилда ҳисоботларни топширмасдан, жамиятнинг товарларни реализация қилишдан тушган ва солиққа тортиладиган жами 3.143.436.449 сўмлик тушумни қасддан яшириб ва ушбу миқдордаги товар моддий бойликларни нақд пулга сотиб юбориб, сотувдан тушган пул маблағларни хизмат кўрсатувчи банкка инкассация қилмасдан, ушбу тушум қийматидаги жами 751.374.800 сўмлик қўшимча қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Судланувчи *** айбига иқроп бўлиб қуйидагиларни, яъни 2021 йилда Тошкент шаҳрига келиб, Чилонзор туманида ижарага уй топиб яшаганлигини, 2021 йил 17 сентябрь куни Тошкент шаҳар Миробод тумани “Ягона дарча” марказидан 1039479-реестр рақами билан ҳуқуқий манзили Миробод тумани, Нукус кўчаси, 37-уй, 41-хонадон бўлган “Big Father 001” МЧЖни ташкил қилиб, унга ўзи ягона таъсисчи сифатида раҳбарлик қила



бошлаганлигини, сўнг бир қатор тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жамиятлар раҳбарлари билан танишганини ва улар билан турли хил товарларни олди-сотдиси билан шуғулланганлигини, “Big Father 001” МЧЖга бош ҳисобчи олмаганлигини, барча ҳужжатларни ўзи тузиб, ўзи имзолаб муҳр босиб берганлигини, шу тарзда 2021 йил давомида тадбиркорлик қилиб юрганини, 2021 йил декабрь ойида Миробод туман ДСИ томондан “Big Father 001” МЧЖнинг ҳисоб рақами ёпиб қўйилганлигини ва у фаолиятини давом эттира олмаганини, шу сабабли Фарғона вилояти Қўқон шаҳрига қайтиб кетиб, тадбиркорлик фаолияти билан норасмий равишда дўконларда озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа рўзғорга керакли маҳсулотларни сотиш билан шуғулланганлигини, унинг раҳбарлиги остида бўлган хусусий корхона ёки масъулияти чекланган жамиятни юритиш учун тажрибаси бўлса керак деб ўйлаганлигини, раҳбарлик қилаётган “Big Father 001” МЧЖнинг устав фонди қандай шакллантирилганлигини эслаб олмаслигини, чунки 2011 йилдан, яъни 11 ёшидан кучли таъсир қилувчи психотроп дори воситаларини истеъмол қилишлигини, раҳбарлик қилган жамиятнинг омборхонаси мавжуд бўлмаганлигини, жамиятнинг қолдиқдаги маҳсулотлари йўқлигини, жамиятнинг молиявий фаолиятига доир бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоботлари, товар моддий бойликларини юритишга оид муҳим аҳамиятга эга ҳужжатлар, рўйхатга олиш китоблари, корхоналар билан тузилган шартномалар ва бошқа ҳужжатларни, жамиятнинг штампи ва муҳрларини йўқ қилганлигини, жамият фаолияти бўйича солиқ ҳисоботларини тузишни ва солиқ ҳисоботларини топшириш тартибини билмаслигини, жамиятнинг 792 млн. 99 минг 576,4 сўмлик қўшимча қиймат солиғи ва фойда солиғидан қарздорлигини тўлаб бера олмаслигини, чунки у кўчадаги танишларидан бўлган қарзларини тўлаб берганлиги сабабли ҳозирги кунда банкрот бўлганлигини ва ЖКнинг 168-моддаси билан содир қилган жинояти учун Тошкент шаҳрида жойлашган 51-сонли манзил-колониясида жазо ўтаётганлигини, айбловда номлари келтирилган “Ter 1000 Atoʻr” МЧЖ, “AZ DECOROUS” ХК, “BIG SUN” МЧЖ ва бошқа жами 30 тадан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномаларни тузишда ва ўтказиб берилган пул маблағларини ёки қабул қилиб олинган пул маблағларини, жамиятлар томонидан исм шарифларини билмайдиган номаълум шахслар билан жамиятнинг ҳисоб рақами очилган “Капитал банк”да ўзаро суҳбатлашиб, муросага келганлигини, юқорида номлари келтирилган жами 30 тадан ортиқ жамиятларни топишда ва улар билан шартномалар тузишда ҳеч ким ёрдам бермаганлигини, 2020 йилда Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида сомсапазлик билан шуғулланиб юрган вақтида, маҳсулотларни қарзга олиб, вақтида қайтара олмаганини, шу сабабдан устидан жиноий иш қўзғатилиб, жавобгарликка тортилганлигини. Бундан ташқари, 2021 йил сентябрь ойи бошларида таниши *** билан учрашгани ва хол-аҳвол сўрашганларидан сўнг, ***га ўзининг номига тадбиркорлик субъекти очиб беришини, ушбу фирмдан фойдаланиб келишини таклиф қилганлигини, бунинг эвазига ***га 500 АҚШ доллари беришини айтганида, *** унинг таклифига рози бўлганлигини, бу қандай бўлиши ҳақида сўраганида ***га “сизни номингизга фирма очилади, ушбу фирма фаолиятини мен бошқариб келаман, фақат фирма сизнинг номингизга



очилади, фирма бўйича барча ишларни ўзим юритаман, келгусида сизга ушбу фирма бўйича ҳеч қандай муаммо бўлмайди” деб айтганлиги, сўнг *** агар “менга муаммо бўлмаса очишимиз мумкин” деганлигини, 2021 йил 17 сентябрь куни ***ни ўзи билан биргаликда Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги Давлат хизматлари марказига борганлигини, у ерда ДХМ ходими ***дан фуқаролик паспортини олиб, орадан биров вақт ўтиб ***га бир нечта ҳужжатларни тақдим қилганлигини, *** ҳужжатларга унинг таклифига биноан ҳужжатларга имзо қўйиб тасдиқлаб берганлигини, кейин ***нинг номига “TUKSON BEST” МЧЖни ташкил қилганлигини, бундан ташқари шу вақтнинг ўзида “BIG FATHER 001” МЧЖни ташкил қилганлигини, 2021 йил 20 сентябрь куни таниши ***ни ўзи билан биргаликда Қўқон шаҳридан чиқиб, Тошкент шаҳрига келишганлигини, Тошкент шаҳрига етиб келиб, ***ни “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Миробод филиалига олиб кириб, ушбу кейин банк ходимининг таклифи билан ***нинг фуқаролик паспортини тақдим қилганлигини, у ҳам бу вақтда ўзининг паспортини берганлигини, орадан бир неча дақиқа ўтиб банк ходими уни ва ***га бир нечта ҳужжатларни чиқариб берганлигини, сўнг улар ушбу банк ҳужжатларига имзо қўйиб тасдиқлаб берганларини, яъни ўзининг номига очилган фирманинг, *** эса ўзининг номига очилган фирманинг банк ҳужжатларига имзо қўйиб берганлигини, кейин у ва *** номига очилган жамиятлар учун банкдан ҳисоб рақам очилганлигини, шу куннинг ўзида “ASIA ALLIANCE BANK” АТБдан чиқиб яқин атрофдаги АТ “Капиталбанк” Амалиёт бошқармасига *** билан бирга кирганларини, ушбу жойда банк ходими билан гаплашиб, номларига очилган тадбиркорлик субъектлари учун банкдан ҳисоб рақами очмоқчи эканлигини тушунтирганлигини, кейин банк ходимининг таклифи билан у ва *** фуқаролик паспортларини бериб, банк ҳужжатларини имзолаб, ушбу ҳужжатларга кўра у ва ***нинг номига расмийлаштирилган жамиятлар учун ушбу банкдан ҳисоб рақами очилганлигини, шу ернинг ўзида ***дан “TUKSON BEST” МЧЖга тегишли бўлган барча ҳужжатларнинг асл нусхаси ва думалоқ муҳрни олиб қўйганлигини, ***да ҳеч қандай ҳужжатлар сақланиб қолмаганлигини, шу билан ўз ишлари билан шуғулланиб юрганлигини, “TUKSON BEST” МЧЖнинг фаолияти билан умуман шуғулланмаганлигини, Қўқон шаҳрида савдо сотиқ ишлари билан шуғулланганлигини, тадбиркорлик билан шуғулланишни билишини, “TUKSON BEST” МЧЖнинг барча молиявий операциялари ва бошқарув ишлари у томонидан амалга оширилганлигини, “TUKSON BEST” МЧЖнинг бухгалтерия ҳужжатларини расмийлаштириш ва ҳисоботлар тузиш ишларини билмаслигини, лекин ушбу жамиятларни очганида ҳеч қандай солиқ ёки ҳисоботлар тузиш ишларини амалга оширмаган ҳолда, ҳисоб рақамдан пулларни кўчириш ва қабул қилиш ишларини амалга оширганлигини, ушбу жараёнда ҳеч қандай ҳисоботларни тузишга ёки бухгалтер ёллашга зарурат туғилмаганлиги, “TUKSON BEST” МЧЖга тегишли ҳужжатлар, муҳр ва штамплар унда сақланганлигини, жамиятга тегишли ҳужжатлар шунингдек муҳр ва штампларни, ***дан банкдаги ҳужжатларни расмийлаштириб бўлгач олиб қўйганлигини, жамиятга қарашли офис, омборхона мавжуд эмаслиги, у норасмий раҳбарлик қилган “TUKSON BEST” МЧЖнинг асосий ҳисоб рақами “ASIA ALLIANCE



BANK” АТБ Миробод филиалида очилганлигини, иккиламчи ҳисоб рақам эса АТ “Капиталбанк” Тошкент шаҳар Амалиёт бошқармасида очилганлиги, “TUKSON BEST” МЧЖнинг фаолияти бўйича солиқ ҳисоботларини тузишни ва солиқ ҳисоботларини топшириш тартибини тушунмаслигини, чунки жамиятни юритганида фақат пул кўчириш билан шуғулланганлигини, бу жараёнда солиқ ҳисоботларини топширишга зарурат бўлмаганлигини, “TUKSON BEST” МЧЖ фаолияти бўйича у томонидан ДСИга ҳеч қандай ҳисоботлар топширилмаганлиги, “TUKSON BEST” МЧЖ фаолияти бўйича ҳисобот топшириш учун мўлжалланган электрон калитни Қўқон шаҳридан ***ни Тошкент шаҳрига олиб келиб, “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Миробод филиалига ва АТ “Капиталбанк” Тошкент шаҳар Амалиёт бошқармасига кириб чиққанларидан сўнг ***дан олганлигини, ушбу электрон калитдан фойдаланганлигини, ушбу калит унда сақланганлигини, “TUKSON BEST” МЧЖнинг асосий фаолияти хўжалик моллари, сув маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа турдаги улгуржи савдо ишлари билан шуғулланганлиги, “TUKSON BEST” МЧЖни ***нинг номига очганлиги эвазига унга 500 АҚШ доллари беришни ваъда қилганлигини, лекин унга фирма очиб берганидан кейин ҳеч қандай моддий қимматликлар бермаганлигини, аммо унга 500 АҚШ доллари беришни ваъда қилганлигини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2016 йилдаги ПФ-4848-сонли фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.05.2018 йилдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаш-тириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Департаментнинг Юнусобод туман бўлими томонидан у раҳбарлик қилаётган “TUKSON BEST” МЧЖ фаолияти ўрганилиб, 28.09.2021 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 280-сонли қарорига зид равишда 3.143.436.449 сўм пул маблағларини банк муассасига кирим қилмаганлиги натижасида 410.013.450 сўм қўшимча қиймат солиғи ва 341.361.253 сўм миқдорида фойда солиғи қўшимча ҳисобланганлигини, ушбу солиқ қарздорлигини бир ой муддатда тўлаб қўйиш тўғрисида 20/12-842-21-сонли хабарнома берилганлиги билан танишганлигини, ушбу хабарнома ҳақида *** Фарғона шаҳрида ВУТХда сақланаётганида онаси билан учрашганида хабар топганлигини, Юнусобод туман прокуратураси томонидан дастлабки тергов ҳаракатлари амалга оширилаётган жиноят иши доирасида тайинланган хужжатли тафтиш текшируви якунига кўра Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси мутахассислари томонидан 23.04.2022 йилда тузилган далолатнома ДСБ ходимлари томонидан танишганлигини, далолатнома бўйича ҳеч қандай эътирозлари йўқлигини, мазкур давлат бюджетига етказилган юқоридаги пул маблағларини қоплай олмаслигини, “TUKSON BEST” МЧЖнинг фаолиятига ***нинг ҳеч қандай алоқаси бўлмаганлигини, *** фақатгина ушбу жамиятни ўзининг номига очиб беришда ва банкдан ҳисоб рақами очишда ёрдам берганлигини, унга ваъда берган 500 АҚШ долларини ҳам бермаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, уни оилавий ва моддий шароитини инобатга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.



Судланувчи *** айбига қисман иқроп бўлиб қуйидагиларни, яъни 2021 йил тахминан сентябрь ойида таниши *** билан учрашиб, у билан хол-аҳвол сўрашганларидан сўнг *** унга фирма очиб юрғизишни таклиф қилганлигини, ***нинг таклифига рози бўлганлигини, бу қандай бўлиши ҳақида сўрганида *** “сизни номингиздан фирма очилади, ушбу фирмани фаолиятини ўзим юрғизиб тураман, фақат фирма сизни номингизга очилади” деганлигини, ***га агар унга муаммо бўлмаса очиши мумкинлигини маълум қилганлигини, *** унга ҳеч қандай муаммо бўлмаслигини айтганлигини, 2021 йил 17 сентябрь куни *** уни Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги Давлат хизматлари марказига олиб борганлигини, у ерда *** ДХМ ходими билан гаплашганлиги, орадан бироз вақт ўтиб ДХМ ходими ундан фуқаролик паспортини сўраганлигини, ходимга фуқаролик паспортини берганлигини, ДХМ ходими ва таниши *** ўзаро гаплашиб турганларини, ўша вақтда фирма Тошкент шаҳрида очилаётганлиги ҳақида қисқа маълумотни эшитиб қолганлигини, улар ўзаро нималарни гаплашганларини билмаслигини, орадан бироз вақт ўтиб ДХМ ходими унга бир нечта ҳужжатларни тақдим қилганлигини, ҳужжатларни ўқиб чиқмасдан ***нинг таклифига биноан ҳужжатларга имзо қўйиб тасдиқлаб берганлигини, ушбу вақтда ҳужжатларда катта ҳарфларда ёзилган “TUKSON BEST” МЧЖнинг очилганлигини билганлигини, бундан ташқари таниши *** ўзининг номига яна бир жамият очганлигини билганлигини, лекин ушбу жамиятни ҳозирги вақтда қандай жамият эканлигини эслай олмаслигини, 2021 йил 20 сентябрь куни таниши ***нинг таклифи билан биргаликда Фарғона вилоятидан чиқиб Тошкент шаҳрига келганларини, Тошкент шаҳрига келиб *** “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Миробод филиалига олиб кирганлигини, ушбу жойда банк ходими билан *** гаплашиб ҳисоб рақами очтирмоқчилиги ҳақида айтганлигини, кейин банк ходимининг таклифи билан фуқаролик паспортини тақдим этганлигини, *** ҳам фуқаролик паспортини берганлигини, орадан бир неча дақиқа вақт ўтиб банк ходими у ва таниши ***га бир нечта ҳужжатларни чиқариб берганлигини, ушбу банк ҳужжатларига ***нинг таклифи билан имзо қўйиб тасдиқлаб берганлигини, ушбу ҳужжатлар банкдан ҳисоб рақами очиш учун қилинаётганлигини билганлигини, шу куннинг ўзида ***нинг таклифи билан “ASIA ALLIANCE BANK” АТБдан чиқиб яқин атрофдаги АТ “Капиталбанк” Амалиёт бошқармасига киришганлиги, ушбу жойда банк ходими билан *** гаплашиб ҳисоб рақами очтирмоқчилиги ҳақида айтганлигини, кейин банк ходимининг таклифи билан фуқаролик паспортини берганлигини ва *** ҳам фуқаролик паспортини шунингдек уни ва ўзини номига очилган жамиятларга тегишли ҳужжатларни тақдим қилганларини, орадан бир неча дақиқа вақт ўтиб банк ходими у ва ***га бир нечта ҳужжатларни чиқариб берганлигини, ушбу банк ҳужжатларига ***нинг таклифи билан имзо қўйиб тасдиқлаб берганлигини, ушбу ҳужжатлар банкдан ҳисоб рақами очиш учун қилинаётганлигини билганлигини, сўнг у ва *** Фарғона вилоятига қайтиб кетганларини, “TUKSON BEST” МЧЖга тегишли бўлган ҳужжатларни ўзи билан олиб кетганлигини, ушбу жамиятлар ҳақида унда ҳеч қандай ҳужжатлар сақланмаганлигини, шу билан у ўз ишлари билан шуғулланиб юрганлигини,



“TUKSON BEST” МЧЖнинг қандай фаолият билан шуғулланаётганлиги билан қизиқмаганлигини, муқаддам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмаганлигини, ҳозирда ўзи раҳбарлик қилаётган жамиятни юритмаганлигини, ушбу жамиятни ***нинг таклифи билан уни номига очилганлигини, лекин ушбу жамиятни фаолиятига аралашмаганлиги, “TUKSON BEST” МЧЖнинг барча молиявий операциялари ва бошқарув ишлари ким томонидан амалга оширилганлигини билмаслиги, у фақат ***нинг таклифи билан “TUKSON BEST” МЧЖни уни номига очилишида иштирок этганлигини, кейинчалик жамиятни мансабдор шахслари қандай фаолият билан шуғулланганлигини билмаслигини, “TUKSON BEST” МЧЖнинг бухгалтерия ҳужжатларини расмийлаштириш ва ҳисоботлар тузиш ишлари билан ким шуғулланганлигини билмаслигини, жамият тақдири билан қизиқмаганлигини, жамият очилгандан сўнг тахминан бир неча ой ўтиб манзил колониясига жазо ўташ учун қайтариб юборилганлигини, “TUKSON BEST” МЧЖга тегишли ҳужжатлар, муҳр ва штамплар унда сақланмаганлигини, жамиятга тегишли ҳужжатлар шунингдек муҳр ва штампларни *** сўраганлиги сабабли банкдаги ҳужжатларни расмийлаштириб бўлгач бериб юборганлигини, жамиятнинг ушбу муҳр ва штампларини бошқа кўрмаганлиги, унда ҳеч қандай ҳужжатлар ва жамиятга тегишли муҳр ёки штамплар сақланмаганлигини, “TUKSON BEST” МЧЖнинг фаолиятига аралашмаганлиги сабабли жамият аслида қаерда фаолият юритиб келганлиги, жамиятга тегишли офис, омборхона мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, ушбу жамиятнинг биринчи асосий ҳисоб рақами “ASIA ALLIANSE BANK” АТБ Миробод филиалида очилган, иккиламчи ҳисоб рақам эса АТ “Капиталбанк” Тошкент шаҳар Амалиёт бошқармасида очилганлигини, “TUKSON BEST” МЧЖни ***ни таклифи ва илтимоси билан номига очилишида иштирок этганлигини, бундан ташқари банкдан ҳисоб рақами очилишида қатнашганлигини, кейинчалик жамият фаолиятига умуман аралашмаганлигини, жамият мансабдор шахслари қай тартибда қандай фаолият билан шуғулланганлигини билмаслигини, жамиятнинг фаолияти бўйича ҳар ойлик ҳисоботларни ДСИга ким қандай тартибда топширганлигини билмаслигини, чунки жамиятнинг фаолиятига умуман аралашмаганлигини, “TUKSON BEST” МЧЖни очилиб фаолият юритиши учун *** моддий қамматликлар ва бошқа турдаги қимматликлар бермаганлигини, ***дан бирон-бир моддий қимматлик талаб қилмаганлигини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2016 йилдаги ПФ-4848-сонли фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.05.2018 йилдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларани такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Департаментнинг Юнусобод туман бўлими томонидан у раҳбарлик қилаётган “TUKSON BEST” МЧЖ фаолияти ўрганилиб, 28.09.2021 йилда ВМнинг 280-сонли қарорига зид равишда 3.143.436.449 сўм пул маблағларини банк муассасига кирим қилмаганлиги натижасида 410.013.450 сўм қўшимча қиймат солиғи ва 341.361.253 сўм миқдорда фойда солиғи қўшимча ҳисобланганлиги ва ушбу солиқ қарздорлигини бир



ой муддатда тўлаб қўйиш тўғрисида 20/12-842-21-сонли хабарнома берилганлиги билан танишганлигини, фақат ушбу хабарномага эътибор бермаганлиги, ***нинг таклифига рози бўлиб, ***унга ваъда беган 500АҚШ долларини бермаганлигини, ҳужжатларга имзо қўйиб берганлигидан пушаймонлигини, уни оилавий шароитини ва ролини инобатга олиб, энгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ ***суд мажлисида қуйидагиларни, яъни Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси “Камерал солиқ текширувлари шуъбаси” давлат солиқ бош инспектори бўлиб ишлашлигини, мазкур жиноят иши юзасидан “TUKSON BEST” МЧЖнинг фаолияти бўйича Солиқ қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари ҳамда бошқа қарор талабларига риоя қилиш ҳолати юзасидан ўтказилган текширишда иштирок этганлигини, текширишда “TUKSON BEST” МЧЖнинг 2021 йил сентябрь ойидан октябрь ойига қадар АТ “Капиталбанк” Тошкент шаҳар Амалиёт бошқармаси, “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Миробод филиалида очилган банк ҳисоб рақамлари орқали хизмат кўрсатиш ва товарлар учун жами 3.143.436.449 сўм миқдоридagi пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига келиб тушмаган ва реализация қилинмаган деб кўрсатиб, ўз ҳисоботларида аниқ ҳолатни акс эттирмасдан, ушбу пул маблағларини нақдлаштириш йўли билан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.08.1996 йилдаги “Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1504-сонли Фармонининг 3-бандида савдо корхоналари, аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар тушган нақд маблағларни ҳар куни банк муассасаларига топширишлари шартлиги, ушбу талабни бузиш тушумни яшириш деб баҳолаб, амалдаги қонунларга мувофиқ жазо чоралари қўлланилиши, 22.06.2001 йилдаги “Нақд пул эмиссиясини қисқартириш ва тижорат банкларининг жавобгарлигини мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 264-сонли қарорининг 3-банди, 3-банди 4-хатбоши, Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли қарорининг 8-банди, 17.11.2011 йилдаги “Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналари-нинг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 306-сонли қарори билан тасдиқланган “Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2-банди ва 37-банди талабларига зид равишда, ушбу даврларда “TUKSON BEST” МЧЖнинг ҳисобига кирим қилинмаган 3.143.436.449 сўмлик турли маҳсулотларни нақд пулга сотиб юбориб, савдо тушумини банк муассасасига топширмасдан, тўланиши лозим бўлган солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдорда бузганлиги, шунингдек жамият ҳисобига сотиб олинган товар моддий бойликларни нақд пулга сотиб, ноқонуний бойлик орттириш мақсадида, давлат томонидан белгиланган солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш мақсадини кўзлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.08.1996 йилдаги “Бюджет



билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1504-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 114-моддасида “Товарларни реализация қилишдан тушган тушумнинг яширилган суммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш амалга оширилиши, товарларни реализация қилишдан тушган тушумни яшириш деб товарлар реализация қилинганлиги факти тўғрисида далолат берувчи ҳужжатлар алмаштирилганлиги, сохталаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги, ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг оморда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги” деб белгилаб қўйилган бўлса-да, мазкур қонун талабларига зид равишда солиқларни қасддан тўламаслик мақсадида, “TUKSON BEST” МЧЖнинг балансига 2021 йил сентябрь ойдан октябрь ойига қадар бўлган давр мобайнида жами 3.143.436.449 сўмлик товар моддий бойликлар олинганлигини ва ушбу товарларни реализация қилганлигини била туриб, мазкур жамиятлар томонидан туман ДСИга 2021 йилда ҳисоботларни топширмасдан, жамиятнинг товарларни реализация қилишдан тушган ва солиққа тортиладиган жами 3.143.436.449 сўмлик тушумни қасддан яшириб ва ушбу миқдордаги товар моддий бойликларни нақд пулга сотиб юбориб, сотувдан тушган пул маблағларни хизмат кўрсатувчи банкка инкассация қилмасдан, ушбу тушум қийматидаги жами 751.374.800 сўмлик қўшимча қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлашдан қасддан бўйин товланганлиги аниқланганлигини, текширув далолатномасини тўлиқ тасдиқлашлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ **** суд мажлисида қуйидагиларни, яъни Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси Солиқ назорати бўлими Комерал солиқ текширувлари шубҳаси давлат солиқ инспектори лавозимида ишлашлигини, мазкур жиноят иши юзасидан “Big Father 001” МЧЖнинг молиявий фаолияти бўйича Солиқ қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари ҳамда бошқа қарор талабларига риоя қилиш ҳолати юзасидан ўтказилган текширишда иштирок этганлигини, текширишда жамият томонидан 2021 йил сентябрь-октябрь ойларида расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактураларга асосан товарлар кирим-чиқими ўртасида йирик миқдордаги номутаносиблик ҳолати аниқланганини, хусусан: жамият томонидан харид қилинган, бироқ нақд пулга сотиб юборилганлиги эҳтимоли мавжуд бўлган жами қиймати 3.751.722.760,67 сўмлик товарлар (шакар, бензин, автомобил мойлари, ичимлик суви, ширинликлар, автошина, озиқ-овқат маҳсулоғлари, ун, пружинка), жамият томонидан реализация қилинган, бироқ кирим қилиш ҳужжати мавжуд бўлган қиймати 1.214.981.699,11 сўмлик товарлар (видеколоноскоп, модем, техника воситалари, жўжа, чиқинди қоғоз, счётчик, бланки мамурий баённома, темир маҳсулотлари, реактивний тяга, кабел, норус, камера, компьютер, автомобил эҳтиёт қисмлари) мавжудлиги аниқланганлигини, банк айланмалари бўйича жами тушум 4.131.820.398 сўмни ва жами чиқим 3.188.450.000 сўмни ташкил этганлигини, шундан, 3.749.500.000 сўм пул маблағлари мақсадига кўра турли ҳил товарлар (сантехника моллари, минерал ўғит, трикотаж, қурилиш моллари ва б.) учун жамият ҳисоб рақамига келиб тушганлиги



аниқланганлигини, юқоридагилардан келиб чиқиб, жамият хуфёни иқтисодий фаолият билан шуғулланганлиги эҳтимоли мавжудлигини, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 223-моддасига асосан, товарларнинг (хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум суммасини ҳисобга олиш регистрларида акс эттирмаслик-солиқ базасини яшириш (камайтариб кўрсатиш) деб эътироф этиб, яширилган (камайтариб кўрсатилган) солиқ базаси суммасининг йигирма фоизи миқдоридан жарима солишга сабаб бўлиши, 299-моддасига асосан, солиқ тўловчи томонидан текин олинган мол-мулк ва (ёки) хизматлар солиқ тўловчининг даромади деб эътироф этилиши белгилаганлигини, ўтказилган камерал солиқ текширувининг дастлабки таҳлил натижаларига асосан қўйидаги солиқ ва жарималар ҳисобланишини, жамият томонидан 2021 йил сентябрь-октябрь ойлари солиқ даври харид қилинган, бироқ нақд пулга сотиб юборилганлиги эҳтимоли мавжуд бўлган товарлар бўйича 525.254.363,84 сўм қўшилган қиймат солиғи (3.751.722.760,67*15%), реализация қилинган, бироқ кирим қилиш ҳужжати мавжуд бўлган товарлар бўйича 182.247.254,85 сўм фойда солиғи (1.214.981.699,11*15%) жамият томонидан 2021 йил сентябрь-октябрь ойлари солиқ даври хуфёна иқтисодиёт билан шуғулланиши ва контрагент корхоналари томонидан ҚҚС суммасини сунъий равишда ҳисобга олишида электрон ҳисоб варақ-фактура расмийлаштириб берганлиги инobatга олган ҳолда контрагент томонидан жамиятнинг банкдан ҳисоб рақамига мақсадига кўра турли ҳил товарлар учун келиб тушган пул маблағлари бўйича Солиқ кодексининг 299-моддасига асосан белгиланган солиқ ставкада 562.425.000 сўм фойда солиғи (3.749.500.000*15%) қўшимча ҳисобланиши лозимлигини, бошқарманинг сўровномасига жамият томонидан ҳеч қандай ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги учун, у томонидан ўтказилган текширишда мавжуд маълумотлар асосида ўтказилган шунга асосан устав фонди бўйича ҳеч қандай маълумотлар инobatга олинмаганлигини, жамият томонидан 2021 йил 12 декабрга қадар аниқлаштирилган ҳисобот ёки асосномалар тақдим этилмаганлигини, жамият шубҳали операцияларни амалга оширганлиги (контрагент корхоналари томонидан ҚҚС суммасини сунъий равишда ҳисобга олишида электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштириб бераётганлиги) учун ва жамият томонидан бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари тақдим этилмаганлиги учун жамиятнинг банк ҳисоб-рақамига келиб тушган пул маблағлари мақсадига кўра жамият томонидан товарлар харид қилинмаганлиги сабаб жамиятнинг банкдаги ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағлари текинга олинган мол-мулк сифатида баҳоланиб Солиқ кодексининг 299-моддасига асосан 15 фоизлик солиқ ставкасида фойда солиғи ҳисобланганлигини, мазкур ҳолатда жамият томонидан бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари тақдим этилса, ҳисобланган солиқ суммаси асосланрилиши мумкинлигини, мазкур ҳолатда, жамият томонидан харид қилинган товарларнинг сотилиши солиқ ҳисоботида кўрсатилган тақдирда дастлаб ушбу товарлар харид қилинганда тўланган ҚҚС суммаси ҳисобга олиниши натижасида бюджетга тўловлар амалга оширилмаслигини, ушбу ҳолатда фақат жамият томонидан расмийлаштирилган электрон ҳисоб варақ-фактура орқали сотилган кирим қилиш ҳужжатти мавжуд бўлмаган товарлар бўйича текинга олинган товарлар сифатида баҳоланиб Солиқ кодексининг



299-моддасига асосан 182.247.254,85 сўм фойда солиғи (1.214.981.699,11*15%) ва яратилган ҚҚСсиз қиймат бўйича 182.247.254,85 сўм қўшилган қиймат солиғи (1.214.981.699,11*15%) ҳисобланган ва ушбу микдорда давлатбюджетга қўшимча маблағлар ундирилган бўлишлигини, бироқ, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасида жамиятнинг омборхонаси тўғрисидаги маълумотлар ва жамият томонидан бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари тақдим этилмаганлиги учун жамият томонидан харид қилинган товарларнинг сотилиши солиқ ҳисоботида кўрсатилмаганлиги учун 525.254.363,84 сўм қўшилган қиймат солиғи жамият томонидан қўшимча ҳисобланмасдан қолиб кетганлигини, текширув далолатномасини тасдиқлашлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд, иш материаллари билан танишиб чиқиб, гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, *** ва ***ларнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби юқорида қайд этиб ўтилган кўрсатувлардан ташқари, тарафлар розилиги билан ўқиб эшиттирилган гувоҳ З.Нурхонова, А.Давиров, А.Шабдиев, Ч.Мирзаева, Р.Мурзинларнинг кўрсатувлари, “Big Father 001” МЧЖнинг фаолиятини ўрганиш натижалари юзасидан тузилган 20.12.2021 йилдаги маълумотномаси, Камерал текширувда аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар материалларни кўриб чиқиш тўғрисидаги қарори, “Big Father 001” МЧЖнинг раҳбари ***га юборилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисидаги хабарномаси, Тошкент шаҳар ДСБ томонидан “Big Father 001” МЧЖнинг раҳбари ***га юборилган солиқ ҳисоботида тузатишлар киритиш тўғрисидаги талабномаси, “Big Father 001” МЧЖнинг 01.01.2021 йилдан 22.12.2021 йилгача бўлган муддатдаги солиқ тўловлари бўйича солиштирма далолатномаси, АТ “Asia Alliance Bank” Миробод филиалидан олинган банк сирига оид ҳужжатлар, “Big Father 001” МЧЖнинг раҳбари *** томонидан 792 млн. 99 минг 576,4 сўмлик қўшимча қиймат ва фойда солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан бўйин товланганлигини тасдиқловчи Тошкент шаҳар Давлат Солиқ Бошқармаси мутахассисларининг жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш натижалари бўйича 25.02.2022 йилдаги далолатномаси, 09.03.2022 йилги қарорга асосан олиб қўйилган “КАПИТАЛБАНК” АТБ Амалиёт бошқармасидан “Tukson Best” МЧЖга тегишли бўлган банк сирини ташкил этувчи ҳужжатлар, 23.04.2022 йилги “Tukson Best” МЧЖда ўтказилган ҳужжатли тафтиш далолатномаси, “Asia alliance bank” АТБ Миробод филиалидан “Tukson Best” МЧЖга тегишли бўлган банк сирини ташкил этувчи ҳужжатлар, юзлаштириш баённомаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи *** ва ***ларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан ***га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан ортиқча айб эълон қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги “Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товланганлик учун жавобгарликка оид



қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сонли қарорининг 7-бандида солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича шуни эътиборга олиш керакки, агар солиқ тўловчи субъектларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ЖК 184-моддаси диспозицияси билан қамраб олинса, уларни тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар (ЖК 192-11-моддаси) ва бошқарув тартибига қарши жиноятлар (ЖК 205-209, 227, 228-моддалари) учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди” деб амалий тушунтириш берилган.

Жиноят иши ҳужжатлари ва суд мажлисида аниқланган ҳолатлардан судланувчи *** ўзининг солиқ ёки бошқа мажбурий йиғимларни тўлашдан бўйин товлашда ифодаланган жиноий ҳаракатларини содир этиш ҳамда содир этилган ушбу жиноят изларини яшириш мақсадида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, муҳр ва штампларни нобуд қилишда ифодаланган ҳаракатларини содир этганлари кўринади.

Суд, Олий суд Пленумининг юқоридаги амалий тушунтиришларини инобатга олиб, судланувчи ***нинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” бандини ортиқча эълон қилинган деб чиқариб ташлашни лозим деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи ***нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми, солиқ солинадиган объектларни қасддан яшириш, давлат томонидан белгиланган солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлашда ифодаланган аломатлари ва ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузишда ифодаланган аломатлари;

-судланувчи ***нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми, солиқ солинадиган объектларни қасддан яшириш, давлат томонидан белгиланган солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлашда ифодаланган аломатлари ва ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузишда ифодаланган аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ***га жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноятни содир этган шахсни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олади.

Суд, ***нинг шахсини, қилмишидан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, шу билан бирга жиноятларни ғараз мақсадда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд судланувчи ***га жазо турини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда шу билан



биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7, 8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, қилмишидан пушаймондалигини, уни шахсини, оилавий шароитини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан модда санкцияси доирасида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш ва 189-моддаси 1-қисми билан модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ҳамда жиноий ҳаракатларини жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 29.04.2022 йилдаги ҳукми эълон қилунга қадар содир этганлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида узил-кесил жазо тайинлашни лозим топади.

Суд, судланувчи ***га жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, жиноятни содир этган шахсни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олади.

Суд, ***нинг шахсини, қилмишидан пушаймонлигини, жиноятда тутган ролини, фақатгина масъулият чекланган жамиятини давлат рўйхатдан ўтказишда иштирок этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, шу билан бирга жиноятларни ғараз мақсадда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд судланувчи ***га жазо турини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини эътироф этган ҳолда шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7, 8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, қилмишидан пушаймондалигини, уни шахсини, оилавий шароитини, жиноятда тутган ролини, фақатгина масъулият чекланган жамиятини давлат рўйхатдан ўтказишда иштирок этганлигини инобатга олиб, юқорида кўрсатилган Пленум қарорининг 37-бандидаги амалий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда баён этилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларини содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат деб эътироф этиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкцияси доирасида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазоси ва 189-моддаси 1-қисми билан модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ҳамда жиноий ҳаракатларини жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг 21.01.2022 йилдаги ҳукми эълон қилунга



қадар содир этганлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида узил-кесил жазо тайинлашни ҳамда ЖКнинг 62-моддаси тартибида уни дастлаб қамоқда сақланган муддатини тайинланган жазодан чегиришни лозим топади.

Бундан ташқари суд, Юнусобод туман прокурорининг даъво аризаси қаноатлантириб, судланувчи *** ва ***дан солидар тартибда давлат фойдасига 751.374.800 сўм, судланувчи ***дан давлат фойдасига 792.099.576,4 ундиришни лозим топади.

Шунингдек, суд жинойт иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган ёзма далил ва 3 дона дискларни жинойт иши ҳужжатларида сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-460, 465, 472-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

*** *** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жинойтларни содир этганликда айбдор деб топилсин.

***га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан 4 (тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

***га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

***га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59, 61-моддаси тартибида тайинланган ҳар хил турдаги жазоларни қисман қўшиш йўли билан 4 (тўрт) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

***га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида тайинланган жазога жинойт ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 29.04.2022 йилдаги ҳукми билан тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 5 (беш) йил 3 (уч) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

***га тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси манзил колониясида ўтаттирилсин.

Жазо муддати 2022 йил 14 январдан бошлаб ҳисоблансин.

***га нисбатан танланган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

*** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жинойтларни содир этганликда айбдор деб топилсин.

*** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

*** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

*** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган ҳар хил турдаги жазоларни қисман қўшиш йўли билан 3 (уч) йил 2 (икки) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.



*** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг 21.01.2022 йилдаги ҳукми билан тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан ***га узил-кесил 3 (уч) йил 3 (уч) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

*** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан, 2022 йил 23 апрел кунидан 2022 йил 25 апрель кунига қадар 3 кун қамоқда сақланган ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, ўташ учун 3 (уч) йил 2 (икки) ой 27 (йигирма етти) кун муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

*** сутканинг муайян вақти, яъни кеч соат 22:00 дан эрталабки соат 06:00 га қадар яшаш жойи Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Ибн-Сино кўчаси, 22-уйдан чиқиши чеклансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасига асосан *** қуйидаги қўшимча тақиқлар юклансин:

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш, иш жойларини ўзгартирмаслик, Фарғона вилояти ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқмаслик;

- жиноятга мойиллиги бўлган шахслар билан, хусусан солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлашда ифодаланган жиноятлар учун судланган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;

- алкогольли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилмаслик каби тақиқлар (чеклашлар) белгилансин.

Озодликни чеклаш жазони ижросини таъминлаш, *** ўғли яшаш жойи бўйича Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

*** жазони ўташ даврида, унга белгиланган чекланишларни бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 6-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Юнусобод туман прокурорининг даъво аризаси қаноатлантирилиб, судланувчи *** ва *** ўғлидан солидар тартибда давлат фойдасига **751.374.800** (етти юз эллик бир миллион уч юз етмиш тўрт минг саккиз юз) сўм ундирилсин.

Судланувчи ***дан давлат фойдасига **792.099.576,4** (етти юз тўқсон икки миллион тўқсон тўққиз минг беш юз етмиш олти сўм қирқ тийин) ундирилсин.

Жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган ёзма далил ва 3 дона диск жиноятиши ҳужжатларида сақлансин.

Апелляция шикоят ва протест ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкумлар томонидан эса уларга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.



